

Шаҳноза ХАЛИЛОВА

**МАНГУ
ЧАМАНЗОР**

**«MERJYUS»
Тошкент — 2012**

УДК: 821.512.133

ББК: 84 (59)7

X 81

Ушб. абаб.

Халилова, Шаҳноза

Мангу чаманзор / муҳаррир Н. Остонов. -

Тошкент: MERIYUS, 2012. - 32 б.

Муҳаррир

Нурилло ОСТОНОВ

Борлиққа шоир кузи билан боқсангиз, унда турфа сир-
синоатларни кўрасиз ва беихтиёр соҳир хаёллар уммонига
чўмасиз. Айниқса, ёш ижодкорлар қаламидан тукилган
шеърый сатрлар олам синоатининг гузал намунасиدير.

Қўлингиздаги ушбу китобча ёш ижодкорнинг шеъроят
ихлосмандларига илк тўхфаси. Ундаги ижод намуналари
сизнинг кўнглингиздан жой олади деган умиддамиз.

*HD 41336
0*

ISBN 978-9943-395-68-8 © Шаҳноза Халилова, 2012 й.

© MERIYUS, XMNK, 2012 й.

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

2013/23
A5767

ИЗЛАР

Карвонлар йўл босган қадим изларни,
Ёмғир ёғиб ўтса, йўқ қила олур.
Барчага яхшилик қилган инсоннинг
Ортидан минг йиллик излари қолур.

Яхшилик абадий, яхшилик яшар,
Яхшилик кўнгилларга сайқалдир башар.
Карвонлар йўл босиб ўтсада, бироқ
Бир ёмғир сабаби, излар адашар.


Карвонлар йўл босган қадим изларни,
Ёмғир ёғиб ўтса, йўқ қила олур.
Эзгулик қилайлик, яхшилик ёди
Дилларда бир умр ва мангу қолур.



ШОИР КҮНГЛИ

Дейди ёзгин яхши ўйлардан,
Ёзгин дейди ширин ҳаётдан.
У ҳаётни ҳаёл деб билмас,
Шоир кўнгли тинмас баётдан.


Истаклари бир олам жаҳон,
Бир умрга куйлаб ўтади.
Сатрлари юракка ёғду -
Шоир кўнгли ойга етади.



ОНАМГА

Кўзларим дунёни кўрганда илк бор,
Онамнинг, ҳаётнинг исин сезганман.
Йўлдош эрур менга, доим мадаккор.
Менинг шундай мунис, ғамхўр онам бор.

Ҳаётнинг ҳар қандай саволларига,
Чидашни ўргатди бермайин озор.
Доим қўллари очиқ дуоларга
Менинг шундай мунис, ғамхўр онам бор.



ТИЛЛО ҚИЗЛАР

Қайси уйда қиз болса, ўша уй энг файзлидур
Покиза ҳамма жойлар, хонадон тартиблидир.
Қизи бор ҳар бир уйнинг остонаси нозлидир,
Тилло остоналардан юринглар тилло қизлар,
Мард ва жасур йигитлар изларингиздан излар.

Сиз борсиз кўркамдир уй, кўркамдир гулзорингиз
Яшнатар боғ-роғингиз порлоқ гул узорингиз,
Ўзингиздек чиройли бўлсин баҳор-ёзингиз,
Тилло остоналарга ярашар тилло қизлар,
Мард ва жасур йигитлар изларингиздан излар.

Сиз мисоли бир гулсиз, чаманзорни яшнатган,
Ҳаётни кўркам қилиб жозибага ташлатган,
Ошуфта кўнгилларни табассумла хуш этган,
Тилло остоналардан юринглар тилло қизлар,
Мард ва жасур йигитлар изларингиздан излар.

Атиргулдек бокира бўлинг, ҳеч доғ тегмасин,
Камтарликни зеб билинг, бошингизни эгмасин,
Тилингиздан ширин сўз аримасин, гулласин,
Тилло остоналарга муносиб бўлинг қизлар,
Мард ва жасур йигитлар изларингиздан излар.

МЕҲР

Юзига ним парда тугилган мисол,
Ийманиб-қимтиниб туради меҳр
Мен учун мукамал, энг олий тимсол -
Дунёда муъжиза гуёки сеҳр.

Сен гўё анорга пинҳона либос,
Ҳар не ёвузликдан асрайсан гўё.
Менга ҳам фалокат йўлиқса бехос -
Қалбимдан юлқиниб сочасан зиё.

Сени самодаги булутни тилиб,
Чақмоқдай борлиқни кездирсам дейман.
Юракда жўш урган лиммо-лим сўзни,
Дурдай тизиб олиб ёздирсам дейман.

Дарахтдан узилган ҳар дона барғни,
Шамол шилдиратиб ерга сочади.
Сен ҳам шамолларга узат қўлингни,
Ҳисларинг шамолдай тўзғиб учади.

Гоҳо сени қўмсаб инсон кўзида,
Ийманиб боқама, кўрмоқ илиқжим.
Айро яшолмай сенсиз одамзод,
Мени ташлаб кетма ёлғиз ўтинчим.

ҲАЁТ

Ким ҳақ-ноҳақ, билмадим дўстим,
Англолмадим мард ким, номард ким?
Бир ҳақиқат дилимга яқин -
Яшаш керак ўтирмасдан жим.

Атрофингда ким яхши-ёмон,
Топгунингча ўтади замон.
Энг муҳими соғ бўл ва омон,
Яхши яша имкони қадар.

Бу ҳаётда дўст бор, душман бор,
Минг яхшига битта ёмон бор.
Ҳаётни сев, ундан лаззат ол,
Яшаш керак юрмасдан бекор.

Ҳаёт чорла нурли йўлларга,
Ҳар фаслингни бурка гулларга,
Меҳринг малҳам бўлсин дилларга
Севиб яша ҳаётни мудом.



ИБРАТ БЎЛАЙЛИК

Дарахтлар эк, боғ ярат, сенга бу тилак,
Бир кун мева берар, фойда шу неъмат.
Агар инсон бўлиб келсанг дунёга,
Англа шунинг ўзи ҳақиқий неъмат.

Фафлат босиб яшаш тегдику жонга,
Энди қалбда қолди фақат бир ишонч.
Шу ишонч ундайди яхши яшашга,
Бизлар ҳам кимгадир берайлик қувонч.

Кўргил дўст, ҳаттоки ерда ётган хас,
Кимгадир ибрату, кимгадир ҳикмат.
Хору хас эмасдир менинг қисматим,
Кўнглимда зиё бор, измимда меҳнат.

Эҳтимол шу дардга мубтало юрак,
Ният бор, тилак бор, диллар зангламас.
Шу сабаб шеърларга жо бўлар тилак,
Тилаклар тафтини ҳар ким англамас.



СҮРОҚ

Хаёт нима? Яшашнинг гашти,
Яхшиликчи? Ўзгага кўмак.
Армон нима? Умидсиз имкон,
Умид нима? Қалбдаги тилак.
Инсон кимдир? Яхши ёмонлар,
Одамзоғчи? Албатта инсон.
Севги нима? Қалбда туйғулар,
Севмоқликчи? Ўлимдан ёмон.
Дўстим кимдир? Қалбга яқинлар,
Дугоналар? Яқин ва сирдош
Душманим ким? Билмайман ким у,
Душманларчи? Бағирлари тош.
Меҳрибон ким? Албатта онам,
Меҳрсизчи? Туйғусиз инсон.
Ишонч нима? Ҳурмат бегумон,
Омад нима? Албатта ютуқ.
Омалличи? Қалби ободлар,
Нафс нимадир? Мисоли қудуқ
Нафсни тийиш? Сабр-қаноат,
Севганмисиз? Ишқ тийри камон.
Дилда не бор? Барига шукур,
Бахтимисиз? Яшаяпман ҳамон.
Яхшимисиз? Доим бирдайман,
Шунинг учун хушнуд юргайман.

ВАҚТ

Вақт асло тўхтамас, у оқар дарё,
Ортидан етмоқлик иложи йўқдир.
Бирон иш бажарсак етмайди гўё,
Вақт олий ҳақамдир, бу ҳам бир тақдир.

Кўзимни очаман эрта тонг билан,
Гўёки бошланар мен учун парвоз.
Атрофни айланиб хаёл сураман,
Вақт қайга оқмоқда айлаб сарафроз.

Дунёда инсонга доим етмайди,
У ҳам бўлса вақтдир, шошқалоқ бирам.
Чорласам боқмайди, сира тўхтамас,
У ўтиб бормоқда қолдириб алам.

Баъзилар иш бошлаб, тугатолмайди,
Шошилиб қолади фурсати етмай.
Вақтни айблайди кейин хаслушлаб,
Ўзининг айбини ошкора этмай.

Вақт оқар дарёдир оқиб кетмоқда,
Унинг ҳар бир они тиллоларга тенг.
Вақт билан умр ҳам ўтиб бормоқда,
Қадрлаган инсон аълоларга тенг.


ҚАЛБИМ САДОСИ

Балки йўлларимиз айродир энди
Айро кўнгил дарди борга ўхшайди.
Қадрингиз билинди сизни соғиндим
Дўстлар бугун қалбим дийдор тусайди.

Энди орқададир шод хушнуд кунлар,
Ўйнаб, кулар эдик мисли булбуллар.
Энди қайда қолди сочи сунбуллар,
Дўстлар бугун қалбим дийдор тусайди.

Ўтди-кетди дерсиз, шодон болалик,
Йўқ-йўқ ундай деманг юрак нолалик.
Кўнглим чаманзори гулу лолалик,
Дўстлар бугун қалбим дийдор тусайди.

Олға юриш эрур умримга шиор,
Бизни чорламокда бу кўркам диёр.
Энди интилайлик бамисли шунқор,
Дўстлар бугун қалбим дийдор тусайди.



ҚАЙТАР ДУНЁ

Ким қилса эзгулик, эзгулик қайтар,
Ким қилса ёвузлик, эргашар риё.
Бу аччиқ ҳақиқат ёлғонмиди ё
Қайтар дунё экан, бу қайтар дунё.

Кимки рост сўзласа, ҳаёт унга гул,
Ким-кимни алдаса, ҳақиқат бир пул,
Бу ҳаёт ҳикмати аслида ҳам шул,
Қайтар дунё экан, бу қайтар дунё.

Ким эзгулик излар, эзгулик топар,
Ёвузлик қутурган итдаин қопар,
Яхшисан, яхшилик қилсанг ҳар сафар,
Қайтар дунё экан, бу қайтар дунё.

Алданган ҳар кўнгил рангни бўлади,
Хайрихоҳ қалбларнинг чангни бўлади.
Оқни қора десанг, зангни бўлади,
Қайтар дунё экан, бу қайтар дунё.

Ким кимга эзгулик тиласа албат,
Эзгулик қолади қалбларда фақат.
Ёвузлик енгилар, яхшилик санъат,
Қайтар дунёдир бу, қайтар дунёдир.

УЛҒАЙИШ

Атрофга солиб назар,
Яшаш сирин ўргандим.
Бувим қилар дуолар,
Мен ўзгардим, улғайдим.

Ортда қолди болалик,
Юксаклик тафтин туйдим.
Мақсадни қилиб поклик
Мен ўзгардим, улғайдим.

Билимга бўлиб чанқоқ,
Фикрларим тупладим.
Сен ҳам эшитгин ўртоқ,
Мен ўзгардим, улғайдим.

Ўйин кулгу, шодликлар,
Болаларча шўхликлар,
Ҳаммаси ўтар-кетар,
Мен ўзгардим, улғайдим.

Энди йўқ ортга қайтиш,
Ўзимни қилдим тафтиш,
Элдан олай деб олқиш,
Мен ўзгардим, улғайдим.

ИСТАК

Қанийди инсонлар қалбидан ўчмай,
Нурли висол бўлиб бир умр қолсам.
Осмонда порлаган мисли қуёшдай,
Сўнмас меҳр каби абадий бўлсам.

Қанийди дарёдай гоҳ тошқин бўлиб,
Гоҳида мавжланиб, шодликка тўлсам.
Ўткинчи дунёнинг тизгинин тутиб,
Барчага бахш этган шоира бўлсам.

Қанийди инсонлар дардини олиб
Уларнинг умрини фаровон қилсам.
Саҳарда уйғонса, шабнамдай бўлиб,
Қуёшдай тунларин нурафшон қилсам.

Қанийди кўнгилга яқин инсоннинг.
Бир умр ўчмаган чироғи бўлсам.
Қани унутмаса мени баҳорлар,
Қанийди онамнинг кўз қароғи бўлсам.

Қанийди, қанийди кўз ёш тўкмасдан,
Яшаса инсонлар доимо кулиб.
Аллоўдан берилган азиз умрни
Қанийди яшаса қувончга тўлиб.

Қанийди инсонлар ўзни унутиб,
Қалбини айласа қалбга пайваста.
Қанийди диёнат этагин тутиб,
Кўнглига иймонни қилса боваста.

ДАРМОН

Юрагим сал хастарок, уни отиб юбордим,
Кўксимдан махкам юлиб ундан учимни олдим.
Чорлар эди авваллар оёқ етмас манзилга,
Энди у кўксимда йўқ, энди юраксиз қолдим.

Лабда титроқ, таним муз, нигоҳлар хира тортган,
Ўша менман юракни шафқатсиз юлиб отган.
Ҳеч кимга ишонмадим, қилмадим ағёрга рой,
Бу қалб мени аямай ўзга бир қалбга сотган.

Юрагим сал хастарок, уни гупроққа қордим,
Сўнгра атрофин ўраб гулхан қилиб юбордим.
Гулхан енэр ловуллаб, зиё сочиб ҳар ёнга,
Оташида исиниб ундан ўчимни олдим.

Юракни оташ қилиб, анча енгил тортдим мен,
Жами қолган лошимни жасадимга ортдим мен,
Мени сотгани учун кечиролмадим уни,
Ғам-ташвишсиз яшайман дея ғамга ботдим мен.

Ҳеч кимсани Худойим ўзидан қўйдирмасин,
Ўзга қалб ҳамроҳ қилиб йўлидан тойдирмасин.
Мендан айро урса ҳам жасадимни тилкалаб
Бир соз каби бировнинг кўнглини ёндирмасин.

Менинг юрагим хаста, дармон тоғмадим унга,
Ҳеч қачон бергим келмас уни ўзга бир қўлга.
Мени кечир юрагим сенга қилмадим шафқат,
Ёвуз бу тақдир қилди бизни айро, алвидо.

ЯШАЙМАН

Қалбдан учса ҳамки ёшлик сафоси,
Атрофни тарк этса булбул навоси,
Дилимни тилса ҳам армон овози,
Ўйлама, сенсиз ҳам яшай оламан.

Булутлар бошимга тушиб кетса ҳам,
Юзимни аччиқ ёш қилса ҳамки нам,
Сени эслатса гар босилган қадам,
Ўйлама, сенсиз ҳам яшай оламан.

Дарак берса ҳамки сендан хазонлар,
Хаёлим учирса сарсон саволлар,
Дилимни эзса ҳам шубҳа-гумонлар,
Ўйлам, сенсиз ҳам яшай оламан.

Тонгнинг шабнамлари менинг кўз ёшим,
Тунлари юлдуз-ой бўлар сирдошим,
Барига етади менинг бардошим
Ўйлама, сенсиз ҳам яшай оламан.

Туйғулар ҳам сўнган, меҳр ҳам сўнган,
Юрак урар энди, бўлари бўлган,
Шижоат боғига қировлар қўнган,
Ўйлама сенсиз ҳам яшай оламан.

Розиман майлига, тинглама мени,
Висол ёди сарсон, дилда ишқ сели,
Қийнаса ҳам соғинч, ёқса бу дилни,
Ўйлама, сенсиз ҳам яшай оламан.

17

2013/23

A-5767

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

ҚАДРИНГНИ БИЛ

Ҳаётга келдингми, ўз қадрингни бил,
Ўзгалар қадрин ҳам хор қилиб шошма.
Азизим сўзимни тингл, амал қил,
Сой каби оқавер, дарёдай тошма.

Манманлик кўчасин унут, олға юр,
Ўзинг камтар бўлу қаддинг қил мағрур,
Сой бўлиб, жўшқинлик ихтиёр этгил.
Сени енголмасин гурур курмагур.

Асли шоир айтган мағрур чойнакни,
Пиёла қошида бошин эгишин.
Қадр улуғлайди асл инсонни,
Лекин оқламайман чойнак қилмишин.

Ким қадрини билса, ҳаддин ҳам билар,
Ўзгалар қадрини муборак қилар,
Камтарин сиймолар бизга ибтидо,
Аслида дунёнинг устун шулар.



ЎРГАНДИМ

Поклик йўлидан юриб, ўз-ўзимни топяпман,
Ёмонликлирни енгиб кўнгил қулфин очяпман.
Дарёдай тошмасам ҳам сойлар каби оқяпман
Мен ўргандим яшашни, мен унутдим ташвишни.

Ўзганинг ризқин кўриб, уни четлаб ўтяпман,
Дарахтга ҳавас қилиб, ниҳол бўлиб ўсяпман.
Оёғимнинг остидан чумоли ўтиб кетди,
Мен ўргандим яшашни, мен унутдим ташвишни.

Бировдан ёрдам кутмай умр йўлидан ўтяпман,
Бошимга кўнган қушни дуо қилиб яшаяпман.
Ўзим ҳам ўзгалардек ўзимни ахтаряпман.
Мен ўргандим яшашни, мен унутдим ташвишни.

Осмонга боқмасам ҳам уни ҳис қилаяпман
Атрофдаги борлиқни ўз кўзимда кўряпман.
Юрагимга жўр бўлар эрка қушлар сайроғи,
Мен ўргандим яшашни, мен унутдим ташвишни.



ҚАЛБ КУЗИ

Кўзда соғинч, тилларда баҳор
Лабда кулгу, юзда табассум.
Юртда баҳор, элларда баҳор
Қалбимда куз.

Хаёл сокин, фикрлар теран,
Ёшлиқ жўшган гўёки баҳор.
Борлиқ чаман, бир боғи Эрам.
Қалбимда куз.

Ҳар ён боқсам, гулшану гулзор,
Меҳр баҳор, соғинч ҳам такрор,
Чекмасам ҳам бирор-бир озор,
Қалбимда куз.

Осмон олис, заминда булбул,
Тоғлар баҳор қирларда баҳор.
Недан ранжир кўнгил қурмагур
Қалбимда куз.

Дўстим, сенга меҳрим ҳавола,
Опам чаман, синглим гуллола.
Тўкилади ҳислар шалола
Қалбимда куз.

Мен ҳам тонгни қутлаган юлдуз,
Нигоҳларда ишқ шарҳи сўзсиз.
Бир дард эзар кўнгилни ҳануз,
Қалбимда куз.

ФУРСАТ

Мен асли шундайман, девонасифат,
Эрта саҳар туриб ўйлай бошлайман.
Бормикан дунёда мендаги хислат,
Девона бўлсамда, ўйлаб яшайман.

Паришон хаёлим қай томон шошар,
Билмайман қай томон қадам босаман.
Қалбда оҳ уради мунгли саволлар,
Яна қанча шеърлар ёза оламан.

Мен асли шундайман, девонасифат,
Токи бошим узра кўк чақмоқ чақар.
Токи мавжуд экан ҳар ишда роҳат
Ҳамиша бу йўллар ўзига чорлар.

Девона дейишсин майлига мени,
Майлига дейишсин кўнгли шикаста.
Шеърят оташи қутқаргин мени,
Сенинг дардинг билан бу кўнгил хаста.

Мен асли шундайман, девонасифат,
Аммо қалбда бордир айтар сўзларим.
Фурсат етса эди, умрим борича
Агрофимда бўлса ёру дўстларим.

ДУГОНАЛАР

Боғ қўйнида сайр қилишар дугоналар,
Гул сайлида гул теришар гуллолалар.
Шаҳноза-ю, Диёра-ю Гўзалойлар,
Тортқилади рўмолини шаббодалар

Дилкаш қўшиқ куйлашади барчалари,
Оҳангидан тебранар боғ арчалари,
Рақсга тушар боғнинг ўрик, олчалари.

Яшил қирлар қулоқ тутиб қиқирлайди,
Ял-ял ёниб товланади қизғалдоқлар.
Зилол сувлар шилдирашиб шивирлайди,
Қўшиқ айтиб қувнашади қақилдоқлар.

Дугоналар омон бўлинг, ойзодалар,
Ёниб яшанг эрка қизлар, шаббодалар.
Мухлисалар, Маҳлиёлар, Шаҳнозалар.



ЁДГОРЛИК

Инсонни боқади шу азиз тупроқ,
Ундан савоб ишлар қолади холос.
Қалбимни қийнайди бир одил сўроқ -
Азизлар, шоирдан не қолар мерос?

Кимдир уй қуради самога қадар,
Кимдир болапарвар, кимдир йиғар зар,
Тириклик манзили боқийга сафар,
Азизлар, шоирдан не қолар мерос?

Одамзот туғилар, бир кун қарийди,
Ҳаётда тобланиб, ўзин танийди.
Меҳрин одамларга тутса қанийди
Азизлар, шоирдан не қолар мерос?

Шоир аҳлининг ҳам тўлар паймони
Ўшанда билинар унинг армони,
Сўз ишқи, ёр ишқи бўлар дармони,
Азизлар, шоирдан шеър қолар мерос.



ТАҚДИРИ-АЗАЛ

Хаёлим саҳрода кумдай тўзғиган
Сомон йўлларидай йўллар чўзилган,
Тириклик аталмиш саҳрога чиқдим,
Тақдири азалга нелар ёзилган?

Бунчалар бешафқат тақдири азал,
Кимни хушнуд қилар, кимнидир ўсал,
Ҳеч ўйламас эдим эй умри гўзал,
Тақдири азалга нелар ёзилган?

Пешона шу экан, ожиз бу банда
Бошинг узра урар қиёмат ханда,
Келиб кетмоқ аниқ бўлган чаманда,
Тақдири азалга нелар ёзилган?

Ўйлаб кечалари жавобим йўқдир,
Нахотки умримиз отилган ўқдир,
Бошимга тушгани - шумикан тақдир -
Тақдири азалга нелар ёзилган?

Гохида хайратни ичимга ютиб,
Хаёл уммонига кетаман ботиб,
Қош ҳам қораяди, кетар тонг отиб,
Тақдири азалга нелар ёзилган?

Аслида тасодиф тақдир ўйини,
Яратиб қўйибди кўшиқ-куйини,
Асти қайтармасин банда ройини,
Тақдири азалга шулар ёзилган.

САБОҚ

Гоҳида лол қолиб, ўйга толаман,
Зимистон кўйнидан зиё оламан,
Аслида ўзим ҳам шодон боламан,
Ҳаёт сўқмоқлари беўисоб жумбоқ.

Нега қизғанасан мендан ҳаётни,
Озор бермасам ҳам, қамчилаб отни,
Беркитма ростини, букма қанотни,
Гапирган гапингнинг ёлғони кўпроқ.

Самога ёлвориб илтижо қилдим,
Ёлғончи дунёнинг ҳабиби бўлдим,
Ойга ҳам ёлвориб, телбавор кулдим,
Кўлимга тутишди бир сиқим тупроқ.

Наҳот ҳасратларим адоси йўқдир,
Кўрдимки бир ҳаёт, либоси йўқдир,
Оломон кетмоқда, нидоси йўқдир
Дарахтлар хазонрез, учмоқда япроқ.

Зиёга талпиндим, бахтга сайёдман,
Нафас олаяпман, демак ҳаётман.
Элга нафим тегса, шундан мен шодман,
Ахир мен тирикман, тириклик сабоқ.

ШЕЪРИЯТ

Шеърият, бағрингга мени ҳам олгин,
Изҳор қилай сенга юрак ҳисларим.
Қалбимга оташин оловлар солгин,
Самода чарх урсин озод қушларим.

Шеърият, бағрингга мени ҳам олгин,
Вужудинг алласи бунча хушҳаво.
Сенинг борлигингдан бу дунё рангин,
Сенинг куйинг менга энг дилкаш наво.

Шеърият бағрингга мени ҳам олгин,
Ношудлигим билсанг аяб ўтирма.
Тунларим ёритиб, айлагин сокин.
Менга ҳам умид бер, юзинг ўтирма.

Шеърият бағрингга мени ҳам олгин,
Қалам тебратайин умрим борича.
Йўлимда йўлчироқ, ҳамдамим бўлгин,
Ҳар сағрим янграсин созим торича.



БИРИНЧИ ҚОР

Ризқимиз улуғ қил, кўришдик дийдор,
Ўзга фаслларга қолдирма губор,
Дўсту ёронларга қорхатдир ашъор,
Қиш фаслининг кўрки, эй биринчи қор.

Бобо деҳқонларим тиним олмоқда,
Ҳали совимаган излар сўқмоқда,
Ризку рўз куйчиси эшик қоқмоқда,
Куй бўлиб ёғавер, эй биринчи қор.

Нафис қор капалак ерга тўшалар,
Оқ либос кияди қишлоқ-гўшалар,
Саодат калити, орзу ушалар,
Ок ниятда келган эй биринчи қор.

Дарахтлар оплоқдир, юз кўзи ҳам оқ,
Нияти ҳам оқдир, соф ва беғубор.
Йил бўйи бахтимга сен бўлгин ўртоқ,
Беармон ёғавер, ёғавергин қор.




ИНТИҚИБ КУТДИМ

Интиқиб кутдиму, олмадим жавоб,
Ох, юрагим ёнди, ёнди беармон.
Кутдим, кугавердим, бўлдимку хароб,
Аммо тополмадим дардимга дармон.

Кунсиз қолган тундай мунғайиб қолдим,
Дардимга бирер жон малҳам бўлмади.
Тақдиримни унсиз худога солдим,
Э воҳ бундан ўзга чорам қолмади.

Интиқиб кутдиму олмадим жавоб,
Не-не орзуларим ҳавога учди.
Аммо қилолмадим кимсага савоб,
Афсус-надоматим осмонни қучди.

Кутаман, кутишдан тўхтамайман ҳеч,
Токи танамдаги юрак уради.
Инсон яшар экан, умид ва ўтинч,
Кечиккан қалбларга ишонч беради.



САВОЛ

Дилда соғинч, қалбда изтироб,
Қай томонга шошмоқда висол.
Қайда қувонч, қайларда азоб,
Бу мендаги оддий бир савол.

Кўзим кимни кутар, билмасман,
Қалбим не деб урар тинмасдан.
Оҳ хаёллар парижон бунча,
Нечун сизга жавоб топмасман.

Недан сўзлар ҳорғин бу йўлак,
Нени тинглар ожиз қулоқлар.
Агроф жим-жит, фақат бир истак -
Савол бору, йўқдир жавоблар.

Қай томонга оёқлар шошар,
Қай манзилга босарман қадам.
Яна жавоб топмас саволлар
Бу юракни тилкалар ҳар дам.



МАНГУ ЧАМАН

Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Мана, яна кўлга олдим қаламим.
Билмадим на сабаб ва қандай гумон,
Ёзгин дея толмас қалбда чаманим.
Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Тоғиб олдим кеча яна сўзимни.
У ер бу ерини артдим ва шу он,
Ёзишни бошладим, топдим.
Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Нима ёзаман деб роса ўйладим.
Фикрларим тарқоқ, ўйларим сарсон,
Шеър ёзишни ўйлаб, ойга бўйладим.
Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Қалбда ловуллади ёшлик сафоси.
Нима ҳам қилайин қийналди бу жон,
Қоғозни ёндирди оташ зиёси.
Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Фақат ўйлар эдим, "Ўтган кунларни".
Тушимга кирганди Қодирий бобом,
Яна қалбга солди чўғ умидларни.
Шеър ёзмай кўйгандим бир ойдан буён,
Дўстларнинг сўфинчи қалбда бор холос.
Ўйладим, ўйладим ва топдим таянч -
Ашъордан тўқидим ўзимга либос.

ШУНЧАКИ

Дилдаги гапларим эмас шунчаки,
Шунчаки олмадим кўлимга қалам .
Қалбдаги ниятим оддий истакмас -
Унда акс этади курраи олам.

Мен фақат дунёни кўргум ўзгача,
Гойибдан садони эшитар қулоғим.
Юрганам кўчамас, оддий йўлакча,
Гул эмас майлига, менинг яноғим.

Фақат жўр бўламан қушлар куйига,
Матонатлидирман, тоғлар каби мард.
Ошиққанам фақат гуллар бағрига,
Залворин ташлаган қалбимдаги дард.

Алдов хиёнатни англамас қалбим.
Соддадил хаёллар тарк этмас сира.
Шукурлар бўлсинким яратган раббим
Кўз нурим қилмаган парладан хира.

Қалбдаги гапларим шунчалар кўпки,
Чумоли мен учун энг яхши ўрнак.
Ёзиб-чизганларим ҳаётим кўрки,
Умримнинг мазмуни шу бўлса керак.

Адабий-бадгий нашр

Шаҳноза ХАЛИЛОВА

**МАНГУ
ЧАМАНЗОР**

Рассом Шухрат Мирфаёзов

Саҳифаловчи дизайнер

Ниялфар Мавлонова

Musahhiha Гулшан Мавлонова

Нашр. лиц. АИ № 104, 15.07.2008 йил. Восишга
16.08.2012 йилда рухсат этилди. Бичими 70x90 1/16.

Офсет босма усулида оқ қоғозга босилди.

1,0 босма тобоқ. Адади 150 нусха. Буюртма № 69

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида чоп
этилди. Тошкент шаҳри, ген. Узоқов кўчаси 2 «а» уй.

Тел.: 228-94-11